



«ТАСДИҚЛАНГАН»  
“DORI-DARMON” aksiyadorlik kompaniyasi  
Кузатув кенгаши раиси

  
Ш.А.Вафаев  
Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг  
«5» июн 2015 й. 15/7 –сонли қарори



М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»  
Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва  
ривожлантириш Маркази  
Бош директори  
Б.А.Атаханов

«28» июн 2015 й. 207787 сон



М.Ў.

## АКЦИЯЛАР ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОП

“DORI-DARMON” aksiyadorlik kompaniyasi

Идентификация рақами берилди: R U 1 0 7 P 0 7 7 8 T 1

Номинал қиймати 4 300 сўмдан бўлган умумий қиймати 86 309 600 000 сўмлик  
20 072 000 дона ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги эгаси ёзилган оддий акциялар.

Мазкур чиқирилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, аввал жойлаштирилган  
паст номиналдаги акцияларни номинал қиймати оширилган акцияларга  
айирбошланиши йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 7 (етинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган 2015 йил «5» июндаги кузатув кенгашининг мажлисида  
15/7 - сонли баённома, 2015 йил «5» июндаги акциядорларнинг йиллик умумий  
йиғилиши қарори асосида 1 - сонли баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси,  
Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21-уй, почта индекси: 100021, тел: (+99871) 120-48-48  
факс: (+99871) 254-96-00.

Электрон почта: office@doridarmon.uz

Бошқарув раиси

А.А.Камилов

Бош ҳисобчи



Мухр

С.К.Мухамедова

“5” июн 2015 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Хужжатсиз (накдсиз).**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **4 300 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **20 072 000 дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **86 309 600 000 сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг

бир қисмини олиш;

• акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятнинг бошқаришда иштирок этиш;

• жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

• олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

• қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

• ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

• ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

• қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставдаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Жамият уставда ушбу чиқарилишга чеклашлар мавжуд эмас. Мазкур чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, аввал жойлаштирилган паст номиналдаги акцияларни номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланиши йўли билан жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **54 194 400 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **20 072 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз (накдсиз) акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **умумий қиймати 2 000 000 000 (икки миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган фойзли 2 000 дона хужжатсиз облигациялар чиқарилган (Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказида 2007 йил 12 июлда Р0809 сон билан эмитентнинг облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги эмиссия рисоласи рўйхатдан ўтган).**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): **Мазкур чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, аввал жойлаштирилган паст номиналдаги акцияларни номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланиши йўли билан жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

**Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 15 календарь кун ичида айирбошлаш орқали жойлаштирилади.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: **Паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланади, бунда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмайди.**

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва акцияларни сақлаш марказий рўйхатдан ўтказувчи функциясини бажарувчи - Марказий депозитарий Давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Марказий депозитарийси ва хизмат кўрсатувчи депозитарийлар томонидан амалга оширилади, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарий Давлат унитар корхонаси.

Жойлашган манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Почта манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (0-371) 236-14-34, Факс: (0-371) 233-13-57. e-mail: info@deponent.uz, вэб адрес: www.deponent.uz.

Марказий депозитарий Давлат унитар корхонаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли Қарори асосида амалга оширади.

Инвестиция воситачиси "DILARES" масъулияти чекланган жамияти.

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй

Почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй

Телефон рақами: (+99871) 232-03-54.

Инвестиция воситачиси фаолияти бўйича берилган лицензиянинг санаси ва рақами: 12.01.2012й. №1226;

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Муддатсиз.

Лицензияни берувчи орган: Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда, яъни 4 300 сўм баҳода жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Аввалги чиқарилган ва жойлаштирилган 20 072 000 дона 54 194 400 000 сўмлик акциялар номинал қиймати бўйича тўланган ҳисобланади. Акциялар янги чиқарилиши бўйича жамият устав капиталининг 32 115 200 000 сўмлик ошган қисми жамият акциядорларининг 2014 йил 4 июндаги навбатдаги йиллик умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг 2013 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасининг 16 057 600 000 сўми ва акциядорларининг 2015 йил 5 июндаги навбатдаги йиллик умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг 2014 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасининг 16 057 600 000 сўми ҳисобидан тўланган ҳисобланади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): 20 072 000 дона акциялар, яъни ушбу акциялар чиқарилиши 100 фоиз жойлашмаган тақдирда акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда, жамият бошқаруви органи томонидан акциялар номинал қийматини пасайтириш орқали устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ёзувларида дебет “Устав капитал” 8300 ҳисобидан кредит “Тақсимланмаган фойда” 8700 ҳисобига қайта ўтказиш амалга оширилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: **Жамият томонидан акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда “DORI-DARMON” АКнинг расмий веб-сайтига ([www.doridarmon.uz](http://www.doridarmon.uz)) ва “Тошкент” Республика фонд биржасида расмий ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) веб-сайтига жойлаштирилади.**

**Акциялар янги чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган “DORI-DARMON” aksiyadorlik kompaniyasida танишишлари мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар. Қўшимча маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21-уй манзили бўйича жойлашган “DORI-DARMON” aksiyadorlik kompaniyasi маълумиятига мурожаат қилишлари мумкин.

«DORI-DARRMON» aksiyadorlik kompaniyasi

Raqamlangan, tikilgan \_\_\_\_\_ dona varakdan

иборат

Бошқарув раиси \_\_\_\_\_ А.А. Қамралиев

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

С.К. Мамедов

